


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

№ БД – 5230100 – 3.04

2016 йил 9.01



МАКРОИҚТИСОДИЁТ
ФАН ДАСТУРИ

| | | |
|-------------------------|--------------------------------------|--|
| Билим соҳаси: | 100000 200000 300000 600000 | - Гуманитар соҳа - Иқтисод ва ҳуқуқ - Ишлаб чиқариш-техник соҳа - Хизматлар соҳаси |
| Таълим соҳаси: | 110000 230000 330100 610000 | - Педагогика - Иқтисод - Компьютер технологиялари ва информатика - Хизмат кўрсатиш соҳаси |
| Таълим йўналиши: | 5111000 | - Қасб таълими (5230100 –Иқтисодиёт, 5230200-Менежмент, 5230300-Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил этиш, 5230400-Маркетинг, 5230500-Божхона иши, 5231400-Статистика, 5231600-Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси, 5231700-Кадрлар менежменти, 5231800-Ижтимоий соҳа ва инсон ресурслари менежменти, 5230200-Информатика ва ахборот технологиялари (иқтисодиёт)); - Қасб таълими (5230600-Молия, 5230700-Банк иши, 5230900-Бухгалтерия ҳисоби ва аудит, 5231200-Сутурта иши) |
| 5230100 | | - Иқтисодиёт (макроиқтисодиёт, микроиқтисодиёт, иқтисодий назария, инфратузилма, ижтимоий соҳа, реал сектор, хизматлар соҳаси) |
| 5230200 | | - Менежмент (кичик бизнес ва тадбиркорлик, реал сектор, туризм, хизматлар соҳаси) |
| 5230300 | | - Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил этиш (реал сектор, хизматлар соҳаси) |
| 5230400 | | - Маркетинг (товарлар ва хизматлар, ташки иқтисодий фаолият, логистика, туризм) |
| 5230500 | | - Божхона иши (божхона назорати) |
| 5230600 | | - Молия |
| 5230700 | | - Банк иши |
| 5230800 | | - Солиқ ва солиққа тортиш |
| 5230900 | | - Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (давлат сектори бўйича, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўйича, реал сектор бўйича) |
| 5231200 | | - Сутурта иши |
| 5231300 | | - Пенсия иши |
| 5231400 | | - Статистика (иқтисодиёт) |
| 5231500 | | - Баҳолаш иши |
| 5231600 | | - Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси |
| 5231700 | | - Кадрлар менежменти |
| 5231800 | | - Ижтимоий соҳа ва инсон ресурслари менежменти |
| 5232000 | | - Давлат бюджетининг газна юқроси |
| 5330200 | | - Информатика ва ахборот технологиялари (иқтисодиёт) |
| 5610100 | | - Хизматлар соҳаси (туризмни ташкил қилиш ва бошқариш) |

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил “22” 01 даги “26”-сонли буйруғининг 2-илласи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-усдубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2016 йил “9” 01 даги “1” - сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

- Асқарова М. “Макроиктисодиёт” кафедраси мудири, иқтисод фанлари номзоди, доцент;
Джумаев З. “Макроиктисодиёт” кафедраси катта ўқитувчиси.

Такризчилар:

- Файзуллаев Ё. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги “Макроиктисодий параметрлар прогнози ва мониторинги” бўлими бошлиғи, и.ф.н.;
Вахобов А. ЎзМУ “Макроиктисодиёт” кафедраси мудири, иқтисод фанлари доктори, профессор.
Махмудов Н. ТДИУ, “Макроиктисодиёт” кафедраси профессори, иқтисод фанлари доктори.

Фан дастури Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (201__ йил “__” _____ даги “__” - сонли баённома).

Кириш

Макроиктисодий барқарорлик ва ялпи ишлаб чиқаришнинг юкори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали аҳолининг турмуш фаровонлиги даражасини ўстириш давлат иктисодий сиёсатида бош мақсад бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимизда қисқа давр ичида бу мақсадга эришиш борасида кенг қўламли, асрларга татигулик ишлар амалга оширилди ва ютуқлар қўлга киритилди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида юзага келган мураккаб муаммоларнинг муваффақият билан ҳал этилиши, макроиктисодий мувозанатни таъминланиши, дастлаб иктисодий пасайишни бартараф этилиши ва сўнгра иктисодий ўсишга эришиш чуқур ўйланган ва илмий асосланган иктисодий сиёсат самарасидир.

Давлат иктисодий сиёсатининг назарий асослари сифатида тан олинадиган фанлар қаторида “Макроиктисодиёт” фани алоҳида ўрин тутди.

Ялпи ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсишини, ресурсларнинг тўлик бандчилигини, инфляциянинг паст суръатларини ва тўлов балансининг мувозанатини таъминлаш нуктаи назаридан мамлакат иктисодиётини бир бутун ҳолда тадқиқ қилиш ва уни макроиктисодий тартибга солишнинг иктисодий механизмларини ўрганиш “Макроиктисодиёт” фанининг предметини ташкил этади.

“Макроиктисодиёт” фани миллий иктисодиётнинг ривожланиши билан боғлиқ барча жиҳатларни, жумладан меҳнат ресурслари, товарлар, пул бозорларининг амал қилиши, монетар, фискал ва ташки савдо сиёсатини амалга ошириш ҳамда бошқа масалаларни қамраб олади.

Фаннинг мақсад ва вазифалари

Фанни ўқитишдан мақсад – талабаларда макроиктисодиёт назарияси ва давлатнинг макроиктисодий сиёсати тўғрисида бир тизимга солинган билим ва кўникмаларни шакллантиришдан иборат.

Фаннинг вазифалари – макроиктисодий категориялар, макроиктисодий муаммоларнинг намоён бўлиши шакллари ва сабаблари, иктисодий жараёнларни макроиктисодий моделлар воситасида таҳлил этиш, макроиктисодий сиёсат мақсадлари ва воситалари, очиқ иктисодиёт шароитида макроиктисодий сиёсат юритиш хусусиятлари тўғрисида илмий тасаввурларни шакллантириш ҳамда макроиктисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш, макроиктисодий концепция ва моделлардан фойдаланган ҳолда иктисодий жараёнларни таҳлил қилиш, макроиктисодий сиёсат натижаларини аниқлаш усулларини ўргатишдан иборат.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

“Макроиктисодиёт” фанини ўзлаштириш жараёнида бакалавр:

- макроиктисодиёт фанининг предметини, объекти ҳамда макроиктисодий агентлар;

- макроиктисодий кўрсаткичларнинг моҳияти ва уларни ҳисоблаш шартлари;
- асосий макроиктисодий моделлар ва уларда иктисодий жараёнларнинг кечиши ҳамда макроиктисодий сиёсат натижаларини акс эттириш;
- товарлар ва хизматлар бозорида макроиктисодий мувозанатга эришиш механизмининг моҳияти;
- пулга талаб, пул таклифи ва пул бозорида мувозанатга таъсир этувчи омиллар;
- бюджет-солик ва пул – кредит сиёсатининг максадлари, воситалари, кўринишлари;
- иктисодий ўсишнинг моҳияти, ўлчаниши, омиллари ва моделлари;
- ташки садо сиёсатининг назарий асослари ва воситалари;
- мамлакат тўлов балаисининг тузилиши, макроиктисодий аҳамияти ва уни тартибга солиш усуллари;
- валюта курсининг моҳияти, макроиктисодий аҳамияти, уни белгиловчи омиллар ва барқарорлигини таъминлаш шартлари;
- очиқ иктисодиётда макроиктисодий сиёсатни амалга ошириш хусусиятлари *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;
- иктисодий жараёнларни таҳлил қилишда макроиктисодий моделларни кўллашни;
- макроиктисодий кўрсаткичларни таҳлил қилишни;
- макроиктисодий сиёсатнинг ижобий ва салбий оқибатларига баҳо беришни;
- макроиктисодий сиёсатининг натижаларини прогноз қилишни *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- макроиктисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш;
- асосий макроиктисодий моделларнинг ўзгарувчиларини аниқлаш ва тенгламаларини тузиш;
- товарлар ва хизматлар бозорида қисқа ва узок муддатли мувозанатни таъминлаш механизмини тушунтириб бериш;
- пул бозорида мувозанат юзага келишининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;
- макроиктисодий сиёсатнинг иктисодий жараёнлар ва алоҳида кўрсаткичларга таъсир кўрсатиши қонуниятларини аниқлаш;
- турли макроиктисодий вазиятларда бюджет-солик ёки пул-кредит сиёсатини қўллаш ҳамда ўзаро мувофиқлаштириш шартларини тушунтириб бериш;
- ташқи савдо сиёсати ва валюта курсини тартибга солиш орқали тўлов баланси ҳолатига, ялпи талаб ва ялпи таклиф ҳажмларига таъсир кўрсатиш усуллари тавсифлаб бериш;
- очиқ иктисодиёт шароитида макроиктисодий жараёнларнинг кечиши ҳамда макроиктисодий сиёсатнинг ўзига хос хусусиятларини, миллий ва жаҳон

иктисодиёти даражасида бозор механизми қандай амал қилишини изоҳлаб бериш кўникмаларига эга бўлиши керак.

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги

“Макроиктисодиёт” фани умумқасбий фанлар мажмуасига тааллуқли бўлиб, талабалар уни IV-семестрда ўрганишади.

Бу дастурни амалда бажариш учун талабалар иктисодиёт назариясидан етарлича маълумотга эга бўлишлари лозим.

“Макроиктисодиёт” фани “Минтақавий иктисодиёт”, “Меҳнат иктисодиёти”, “Жаҳон иктисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар”, “Молия”, “Институционал иқтисодиёт”, “Ижтимоий соҳа иқтисодиёти”, “Инфратузилма иқтисодиёти”, “Макроиктисодий таҳлил ва прогнозлаш”, “Лойиҳалар таҳлили” ва бошқа фанларни ўрганишда асос бўлиб хизмат қилади.

Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни

Макроиктисодий мувозанатни, иқтисодиётда барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, инвестиция ва бизнес муҳитини янада яхшилаш, миллий манфаатларимиз учун энг қулай тарзда жаҳон иқтисодиётига интеграцлашиш, иқтисодий фаоллик даражасини ошириш каби вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш давлат томонидан амалга ошириладиган макроиктисодий сиёсатнинг қай даражада илмий асосланганлиги ҳамда реал воқеликни ҳисобга олиб ўтказилаётганлигига боғлиқ.

Аҳолининг иш билан бандлиги даражасини ошириш, инфляция суръатларининг жиловланиши, давлат бюджети тақчиллигини тан олинган меъёрларлардан ҳам паст даражада бўлишини таъминланиши олиб борилаётган макроиктисодий сиёсат самарадорлигидан далолат берибгина қолмасдан, иқтисодиётга киритиладиган инвестициялар кўламининг ошиши, товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда аҳоли реал даромадларини ўстиришнинг муҳим шарти ҳамдир.

Шу сабабли ҳам макроиктисодиёт фани давлат томонидан макроиктисодий сиёсатни амалга ошириш, иқтисодиётни тартибга солиш учун илмий-назарий асос бўлиб ҳисобланади.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Талабаларнинг “Макроиктисодиёт” фанини ўзлаштиришлари учун илғор ва замонавий усуллардан фойдаланиш, янги информацион-педагогик технологияларни тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, ўқув-услубий мажмуа, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон материаллар, виртуал стендлардан фойдаланилади.

Маъруза, амалий ва лаборатория дарсларида мос равишдаги илгор педагогик ва ахборот технологияларидан ҳамда ўқув-услубий мажмуалардан фойдаланилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Фаннинг назарий машғулоти мазмуни

Иқтисодиёт тушунчаси. Дастлабки макроиктисодий таҳлил элементлари, "Кенэ жадвали". Иқтисодиётга давлат аралашувининг зарурлиги. Кейнс назариясининг моҳияти. Макроиктисодиёт фанининг шаклланиши. Фаннинг предмети ва объекти. Асосий макроиктисодий муаммолар. Уй хўжаликлари, фирмалар, давлат ва ташки дунё макроиктисодиёт субъектлари сифатида. Макроиктисодиётнинг иқтисодиёт соҳасидаги бошқа фанлар билан алоқадорлиги. Макроиктисодиёт ва микроиктисодиёт. Макроиктисодиёт фанининг тадқиқот усуллари. Агрегатлашнинг афзалликлари ва камчиликлари. Макроиктисодий моделлар. Ёлиқ ва очик иқтисодиёт. Эндоген ва эгзоген ўзгарувчилар. Доиравий айланиш модели. "Даромадлар-харажатлар" ва "ресурслар-маҳсулотлар" оқими. Қарама-қарши оқимлар ўртасидаги тенгликнинг бузилиши сабаблари. Макроиктисодиёт субъектларининг ўзаро алоқалари, мақсад ва функциялари. "Оқимдан четга чиқиш" ва "четдан оқимга кўшилиш"лар. Макроиктисодий сиёсат кўринишлари.

Асосий макроиктисодий кўрсаткичлар ва уларни ҳисоблаш

Миллий иқтисодиётни таҳлил қилишда қўлланиладиган кўрсаткичлар тизими. Миллий ҳисоблар тизимининг асосий макроиктисодий кўрсаткичи сифатида Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) кўрсаткичининг моҳияти. Иқтисодий ҳудуд. Резидент. Оралик ҳамда якуний товарлар ва хизматлар. Бозор баҳолари. ЯИМни ҳисоблашнинг ишлаб чиқариш усули. Қўшилган қиймат, бир қийматни икки бор ҳисобга олишни истисно этиш. ЯИМни харажатлар бўйича ҳисоблаш. Шахсий истеъмол харажатлари. Ялпи инвестициялар. Товарлар ва хизматларнинг давлат хариди. Соф экспорт. Ўзбекистон Республикасида ЯИМнинг ишлаб чиқариш ҳамда якуний истеъмолга кўра таркиби. ЯИМни даромадлар бўйича ҳисоблаш. Бошланғич даромадларнинг тақсимланиши ва қайта тақсимланиши. Ялпи миллий даромад. Соф ички маҳсулот. Соф миллий даромад. Шахсий даромад. Шахсий тасарруфдаги даромад. Истеъмол. Жамғариш. Ялпи миллий тасарруфдаги даромад. Асосий макроиктисодий айниятлар. Даромадлар ва харажатлар тенглиги. Инвестициялар ва жамғармалар тенглиги. Хусусий, давлат ва ташки дунё жамғармалари. Номинал ва реал ЯИМ. Баҳолар индекслари. ЯИМ дефлятори (Пааше индекси). Истеъмол нархлари индекси (ИНИ). Фишер индекси. ЯИМни ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш зарурияти ва йўналишлари.

Бозор иқтисодиётининг даврий ривожланиши. Ишсизлик

Иқтисодий даврларнинг моҳияти. Иқтисодий тебранишларнинг сабаблари: Илмий техника тараққиёти. Сиёсий ҳодисалар. Жаҳон бозорида эергоресурслар нархларининг ўзгариши. Табиат ҳодисалар. Талаб ва таклиф ўртасидаги нисбат. Ялли харажатлардаги ўзгаришлар. Иқтисодий даврларнинг босқичлари ва уларнинг тавсифи. Иқтисодий тебранишларнинг турли тармоқларга таъсири. Иқтисодий тебранишларнинг ҳозирги кундаги хусусиятлари. Молиявий-иқтисодий инкирозлар. Иқтисодий тебранишларга бозорлардаги монопөл тузилмалар, давлатнинг тарибга солувчилик роли, илмий техника тараққиёти ва ишлаб чиқаришнинг байналминаллашуви таъсири.

Ишсизлик тушунчаси. Иш билан бандлар ва ишсизлар. Ишсизликнинг неоклассик ва кейнсча концепциялари. А. Пигунинг неоклассик концепцияси. Реал иш ҳақи, иш кучи таклифи ва унга талаб. Ишсизликнинг кейнсча концепцияси. Мажбурий ишсизлик. Бандлик мультипликатори. Ишсизлик турлари ва иш билан тўла бандлик. Ишсизликнинг ҳақиқий ва табиий даражаси. Потенциал ва ҳақиқий ЯИМ. Ишсизликнинг иқтисодий оқибатлари. Оукен қонуни. Ишсизликнинг ижтимоий оқибатлари.

Ўзбекистон Республикасида янги иш ўринлар яратиш ва аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш сиёсатининг хусусиятлари ва йўналишлари.

Инфляция ва антиинфляция сиёсати

Инфляция: моҳияти, ҳисобланиши ва турлари. Инфляция суръати. Инфляциянинг сабаблари, пулинг микдорий назарияси. Пул массасининг кўпайиши. Пулнинг айланиш тезлиги ортиши. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларининг пасайиши. Иқтисодиётдаги монополизм даражаси. Давлат харажатлари. Инфляцион солиқ. Инфляциянинг суръатларига кўра турлари. Талаб инфляцияси: моҳияти ва модели. Инфляцион кутиш. Инфляциянинг критик нуктаси. Харажатлар инфляцияси: моҳияти ва модели. Фирмалар монополизми ва қасаба уюшмалари монополизми. Хомашё ва энергия баҳоларининг ўсиши. Талаб ва таклиф инфляциясининг қўшилиши модели. Инфляцион спирал. Очиқ ва босиб турилган инфляция. Бозор механизми деформацияси. Баҳо сигналларининг бузилиши.

Қутилган ва қутилмаган инфляция. Инфляция ва фоиғ ставкалари. Фишер самараси. Инфляциянинг ижтимоий оқибатлари. Инфляция ва ишсизлик. Филлипс эгри чизиғи. Инфляция суръати ва ишсизлик даражаси ўртасидаги оптимал мутаносиблик. Антиинфляция сиёсатининг моҳияти, воситалари. “Қарахт қилиб даволаш” ва градуализм. Адаптация сёсати. Баҳолар ва даромадлар сиёсати. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётдаги инфляция жараёнлари ва антиинфляция сиёсати хусусиятлари.

Ялпи талаб – ялпи таклиф модели

Ялпи талаб тушунчаси. AD эгри чизиги. Баҳо омиллари. Фоиз ставкаси самараси. Бойлик самараси ва импорт харидлари самараси. AD эгри чизиги траекторияси. Пулнинг миқдорий назарияси. Баҳолар даражаси ва ялпи талаб ўртасидаги тескари боғлиқлик. Баҳодан бошқа омилларнинг ялпи талабга таъсири. Истеъмол харажатларидаги, инвестиция харажатларидаги, давлат харажатларидаги ва соф экспортдаги ўзгаришлар. Ялпи таклиф тушунчаси ва эгри чизиги. Ресурслар баҳоснинг ўзгариши. Унумдорликнинг ўзгариши. Солиқларнинг ўзгариши. Ялпи таклифдаги ўзгаришлар. Ялпи таклифнинг классик модели. Номинал катталикларнинг ўзгарувчанлиги. Реал катталикларнинг қатъийлиги. AS эгри чизигининг вертикаллиги. AS эгри чизигининг ишлаб чиқариш омиллари ва технологиялар таъсирида силжиши. Ялпи таклифнинг кейнсча модели. Номинал катталикларнинг нисбатан қатъийлиги. Реал катталикларнинг нисбатан ўзгарувчанлиги. Ялпи талаб таъсирида ялпи таклиф эгри чизигидаги силжишлар. Баҳоларнинг мувозанатли даражаси. Ишлаб чиқаришнинг мувозанатли ҳажми. Умумий мувозанат тушунчаси. Вальраснинг умумий мувозанат тенгламаси. AD-AS моделида мувозанатнинг таъминланиши механизми. Талаб шоклари. Таклиф шоклари. Ялпи таклиф ўзгаришининг оқибатлари. Барқарорлаштириш сиёсати. Пул таклифи ва давлат харажатларининг ўзгартирилиши.

Истеъмол, жамғариш ва инвестиция функциялари

Ялпи талаб компонентлари орасида истеъмолнинг ўрни. Истеъмол функциясининг алгебраик ва график кўриниши. “Асосий психологик қонун”. Автоном истеъмол. Даромад (шахсий тасарруфдаги даромад) ва истеъмол ўртасидаги ўзаро боғлиқлик. Жамғариш функцияси ва графиги. Фоиз ставкаси ва жамғариш. Хусусий, давлат ва ташқи дунё жамғармалари. Истеъмолга (APC) ва жамғаришга ўртача мойиллик (APS). Истеъмолга (MPC) ҳамда жамғаришга (MPS) чегаравий мойиллик. Ўзбекистон Республикасида истеъмол ва жамғариш жараёнлари хусусиятлари.

Инвестиция товарларига талабининг ялпи талабдаги ўрни. Автоном инвестициялар. Фоиз ставкаси. Кутилаётган соф фойда нормаси. Тобин коэффиценти. Инвестицияларга талаб функцияси. Инвестициялар динамикасини белгиловчи бошқа омиллар. Акселератор модели. Тўлик инвестиция функцияси. Инвестициялашга чегаравий мойиллик. Инвестицияларнинг беқарорлигини белгиловчи омиллар. Ўзбекистон Республикаси инвестиция сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари.

Кейнснинг товарлар ва хизматлар бозорида макроиктисодий мувозанат модели

Классик макроиктисодий мувозанат назарияси танқиди. Кейнснинг макроиктисодий мувозанат назарияси. Бозор механизми томонидан ялпи талаб

ва ялпи таклиф мувозанати таъминланишининг доимий эмаслиги. “Инвестиция-жамғариш” модели. Инвестициялаш ва жамғариш режаларининг турлича эканлиги.

“Даромадлар - харажатлар” модели – Кейнс хоци. Ҳақиқий ва режалаштирилган харажатлар. Моделни тузишдаги асосий шартлар. Соф экспорт функцияси. Импортга чегаравий мойиллик. Моделда макроиктисодий мувозанатга эришиш механизми. Товар моддий захираларининг режалаштирилмаган ўзгаришлари. Ҳақиқий инвестициялар ва режалаштирилган инвестициялар тенглиги. Захираларнинг ўзгариши. Автоном харажатлар динамикаси ва унинг таъсирида мувозанатли ЯИМ ҳажмининг ўзгариши. Мультипликатор самараси. Автоном харажатларнинг мультипликацияси механизми. Истеъмолга чегаравий мойиллик ва мультипликация самараси. Мультипликатор формуласи. Рецессион ва инфляцияцион узилиш.

Пул бозорида мувозанат

Пул тушунчаси ва функциялари. Пул агрегатлари: M1, M2, M3, L, “квази пуллар”. Пулга талабга монетарча ёндошув. Фишер ва Кембриж тенгламалари. Пулнинг айланиш тезлиги. Баҳолар даражаси, реал ЯИМ ҳажми ва пулга талаб. Пулга бўлган реал талаб. “Пул маблағларининг реал захираси”. Пулга талабнинг кейнсча назарияси - ликвидликни афзал кўриш назарияси. Битимлар учун, эҳтиёткорлик шартига кўра ва мулк сифатида пулга (спекулятив) талаб. Пулни сақлашнинг муқобил қиймати. Пулга спекулятив талаб ва қимматли қоғозлар даромадлилиги даражаси ўртасидаги тесқари боғлиқлик. Пулга талаб функцияси. Пулга талаб эгри чизиғи графиги. Фишер самараси. Номинал фоиз ставкаси ва пулга талаб. Пулга талабга портфелли ёндошув. Активлар портфелининг таркиби, унда нақд пулнинг улуши. Жамғарилган бойлик ҳажми ва пулга талаб.

Пул таклифи. Нақд пуллар ва депозитлар. Тижорат банклари томонидан “пул массасининг яратилиши”. Кредит мультипликацияси. Депозитларни мажбурий захиралаш нормаси. Мажбурий ва ортикча захиралар. Банк мультипликатори. Пул таклифининг қисқартирилган модели. Пулларнинг депозитлардан нақд пулларга оқиб ўтиши, депонентлаш коэффициенти. Пул базаси. Пул мультипликатори. Пул таклифининг кенгайтирилган модели. Марказий Банк томонидан пул таклифини назорат қилиш ва тартибга солиш воситалари. Баҳолар даражаси қайд қилинган ва даромадларнинг белгиланган даражаси шароитда пул бозорида қисқа муддати мувозанат. Фоиз ставкаси ва пул массасининг мувозанатли даражалари ўзгаришига даромадлар даражаси ва пул таклифи ўзгаришининг таъсири. Пулнинг ликвидлилиги эгри чизиғи (LM)-Хансен модели. Кейнсча пул сиёсатининг моҳияти. Ликвидлик тузоғи. Ликвидлик тузоғи шароитида пул сиёсатининг самарасизлиги. Пул бозорида узок муддатли мувозанат.

Давлат бюджети. Солиқлар

Давлат бюджетининг моҳияти, таркиби ва функциялари. Даромадларни қайта тақсимлаш. Иқтисодийни давлат томонидан тартибга солиш ва рағбатлантириш. Фан-техника тараққиётини рағбатлантириш. Ижтимоий сиёсатни молиявий таъминлаш. Пул маблағларининг марказлашган фондларини ташкил этиш ва фойдалаланилиши устидан назорат. Давлат бюджети даромади. Давлат нобюджет жамғармалари. Консолидациялашган бюджет. Солиқлар. Солиқларнинг турлари, функциялари. Давлат бюджети даромадларининг солиқлар турлари бўйича таркиби. Солиқ сиёсати. Солиққа тортиш мезонлари. Адолатлилиқ. Самарадорлилиқ. Тўловга қодирлилиқ. Солиқ юки. Лаффер эгри чизиги. Чегаравий солиқ ставкаси. Давлат бюджети харажатлари. Давлатнинг иқтисодийда иштироки даражаси. Вагнер қонуни. Неъматларни истеъмол қилиш жараёнидаги ташки самаралар. Ижобий ва салбий самаралар. Бюджет тақчиллиги. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг даромадлари ва харажатлари таркиби.

Бюджет–солиқ сиёсати

Бюджет-солиқ (фискал) сиёсати: моҳияти, мақсадлари, воситалари. Рағбатлантирувчи ва чекловчи фискал сиёсат. Ёпик ва очик иқтисодийда давлат харажатлари мультипликатори. Солиқ мультипликацияси механизми. Солиқ мультипликатори. Баланслашган бюджет мультипликатори. Солиқларни камайитрилиши самараси ва давлат харажатларини оширилиши самараси. Дискрет фискал сиёсат. Давлат бюджети тақчиллиги ва профицити. Нодискрет фискал сиёсат. Автоматик барқарорлаштиригичлар. Прогрессив солиқ тизими. Давлат трансфертлари тизими. Даврий тақчиллик ва даврий профицит. Давлат бюджетининг таркибий тақчиллиги. Таркибий профицит. Тақчилликни молиялаш усуллари. Тақчилликни монетлаштириш ва Оливер–Танзи самараси. Давлат облигацияларини чиқариш ва сиқиб чиқиш самараси. Ўзбекистон Республикасибюджет-солиқ сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари.

Банк тизими, пул-кредит сиёсати

Банк тизимининг таркиби. Марказий банк ва тижорат банкларининг функциялари. Банкларнинг асосий операциялари ва бозор иқтисодийдаги роли. Пул-кредит сиёсатининг моҳияти, пировард мақсадлари ва оралик мўлжаллар. Мажбурий захира нормаси. Ҳисоб ставкаси (қайта молиялаш ставкаси). Очик бозордаги операциялар. Қайта сотиб олиш тўғрисида келишув (РЕПО). Қатъий ва юмшоқ пул кредит сиёсати. Пул кредит сиёсатининг таъсирини ишлаб чиқариш ҳажмига етказиш механизми. Етказиш механизмидаги бузилишларнинг сабаблари ва оқибатлари. ЯИМнинг ўсиши ва пул-кредит сиёсати. Пул-кредит сиёсатининг кўзда тутилмаган салбий самаралари. Пул-кредит ва бюджет-солиқ сиёсатини мувофиқлаштириш муаммолари, сиқиб чиқариш самараси. Ўзбекистон Республикасида банк

тизими барқарорлигини ошириш ва пул-кредит сиёсатини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари.

IS-LM модели

Хикс-Хансен моделининг моҳияти.товарлар ва хизматлар ҳамда пул бозорларидаги мувозанатни умумлаштирувчи модел.Моделнинг тенгламалари ва асосий ўзгарувчилари. Экзогенва эндоген ўзгарувчилар. Эмпирик коэффициентлар. Товарларва хизматлар бозоридаги мувозанат. IS эгри чизиги. IS эгри чизигининг даромадлар ўкига нисбатан ётиқлиги ва тиклиги. IS эгри чизигининг тенгламаси. IS эгри чизигининг сурилишларини белгиловчи омиллар.

Пул бозоридаги мувозанат. LM эгри чизиги. Эгри чизикнингдармад ўкига нисбатан ётиқлиги ва тиклиги. LM эгри чизигининг тенгламаси. LM эгри чизигининг горизонтал, кўтарилиб борувчи ва вертикал кесимларида мультипликатор самараси. Даромадлар, пулга талаб ва фоиз ставкаси. LM эгри чизигининг алгебрик натижаси. LM эгри чизиги силжишлари. IS-LM моделидаги мувозанат. Товар ва пул бозоридаги мувозанат. Баҳолар даражаси пасайиши натижасида икки бозор тизимида мувозанатнинг ўзгариши. IS-LM моделида бюджет солиқ сиёсати. Давлат харажатлари ва солиқ ставкаларининг ўзгартирилиши. Сяқиб чиқариш самараси ва бюджет солиқ сиёсати самарадорлиги. IS-LM моделида пул-кредит сиёсати. Пул-кредит сиёсатининг самарадорлиги. Ликвидлилик тузоғи. Инвестиция тузоғи. Баҳолар ўзгариши шароитида рағбатлантирувчи фискал ва пул-кредит сиёсати. Моделда қисқа муддатли ва узоқ муддатли мувозанат.

Иқтисодий ўсишнинг умумий тавсифи ва неокейнсча моделлари

Иқтисодий ўсиш тушунчаси, аҳамияти. Ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиги. Ишлаб чиқаришнинг потенциал ҳажми динамикаси. Иқтисодий ўсишнинг ўлчаниши, реал ЯИМ ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал ЯИМ динамикаси. Экстенсив ва интенсив иқтисодий ўсиш. Экстенсив ўсишнинг ресурс, технологик ва экологик чекловлари. Иқтисодий ўсишнинг таклиф, талаб ва тақсимот омиллари. Ишлаб чиқаришнинг моддий-ашёвий омиллари. Меҳнат унумдорлигинини оширувчи омиллар. Иқтисодий ўсиш моделларининг моҳияти ва аҳамияти. Иқтисодий ўсишнинг неокейнсча моделларининг ўзига хос хусусиятлари, капиталнинг чегаравий унумдорлигининг доимийлиги, ишлаб чиқариш омилларининг субститут эмаслиги. Е. Домар модели. Инвестициялар – талаб омили. Акселератор принципи. Инвестициялар- таклиф омили. Талаб тенгламаси. Таклиф тенгламаси. Капитал унумдорлиги. Мультипликатор. Талаб ва таклиф мувозанати тенгламаси. Р Харрод модели. Ишлаб чиқариш ва инвестиция ҳажмлари ўртасидаги боғлиқлик модели. Ҳақиқий, кафолатланган ва табиий ўсиш суръатлари. Тўлиқ бандлик шароитида барқарор ўсиш формуласи. Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ўсиш суръатлари ва омиллари.

Иқтисодий ўсишнинг неоклассик моделлари

Неоклассиклар томонидан иқтисодий ўсишнинг кейнсча назарияси танқиди. Капиталнинг чегаравий унумдорлиги ва ишлаб чиқариш омиллари нисбатининг ўзгариши. Роберт Солоу модели, моделда ялпи тақлиф функцияси. Кобб-Дугласнинг ишлаб чиқариш функцияси. Меҳнат ва капитал ҳажмлари ҳамда унумдорлиги. Моделда ялпи талабнинг ўсиши. Капитал жамғариш, капиталнинг чиқиб кетиши. Меҳнатнинг капитал билан қуролланганлиги даражаси. Жамғариш нормаси. Аҳоли сонининг ўсиши. Р Солоу моделида техник тараққиёт ва капитал билан қуролланганликнинг барқарор даражаси. Жамғариш нормаси ва Э. Фелпснинг “олтин қоида” си. Жамғариш нормасини ўзгартириш сиёсати. Техник тараққиётни рағбатлантириш. А.Льюиснинг иқтисодий ўсиш модели. Аграр ва саноат сектори. Меҳнат ресурсларини кишлок ҳўжалигидан саноатга қайта тақсимлаш. Моделнинг қўлланиши имкониятлари.

Халқаро савдо назарияси

Халқаро савдонинг зарурлиги ва кўринишлари. Жаҳон иқтисодиётида халқаро савдо қўламларининг ортиб бориши. А. Смитнинг мутлақ устунлик назарияси. Мутлақ харажатлардаги фарқ. Ташқи савдодан ютуқ. Д.Рикардонинг нисбий устунлик назарияси. Турли товарларни ишлаб чиқариш харажатлари ўртасидаги нисбат. Ишлаб чиқариш харажатлари ва ўрин алмаштириш харажатлари доимийлиги шартлари. Ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиклари. Тўлиқ ихтисослашиш. Ўрин алмаштириш харажатларининг ортиб бориши. Қисман ихтисослашишдан максимал манфаат кўриш. Хекшер-Олин назарияси. Ишлаб чиқаришнинг ортиқча ва тақчил омиллари. Мамлакатда ва ташқи давлатларда омиллар ўртасидаги нисбат даражаси. “Леонтьев парадокси (таажуби)”. М Портер назарияси, рақобат устунлигини белгиловчи омиллар. Жаҳон бозорида талаб ва тақлиф. Мувозанатли баҳо. Манфаатларнинг тақсимланиши.

Ташқи савдо сиёсати

Ташқи савдо сиёсати: мохияти ва мақсадлари, усуллари. Тариф ва нотариф усуллари. Импорт тарифлари. Тарифларнинг баҳолар даражаси, истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчиларга таъсири. Давлат кўрган ютуқ. Миллий фаровонликнинг соф йўқотилиши. Таърифларни ёқловчи ҳамда уларга қарши фикрлар. Янги пайдо бўлган тармоқларни ҳимоя қилиш. Ички бандлилик ва давлат даромадларининг ўсиши. Демпингдан ҳимоя. Ресурсларни рақобатбардош бўлмаган соҳаларга йўналтириш. “Оптимал тариф” Ишлаб чиқарувчиларга субсидиялар. Тарифга нисбатан афзалликлари, камчиликлари ва қўллаш муаммолари. Экспортга божхона божлари: қўллашдан қутилган мақсадлар, аҳоли турмуш даражаси, ишлаб чиқарувчилар ва давлат манфаатларига таъсири. Экспортни «ихтиёрий» чеклаш: мохияти ва

қўлланишининг иқтисодий натижалари. Экспорт субсидиялари ва компенсацияловчи импорт божлари. Импорт квоталари. Квоталашнинг истеъмолчилар, ишлаб чиқарувчилар ва давлат манфаатларига таъсири. Импорт лицензияларини тақсимлаш услублари. Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари. Белгилловчи шарт-шароитлар ва устуворликлар. Ташқи савдо динамикаси, товарларга кўра таркиби ва диверсификациялаш.

Тўлов баланси

Тўлов баланси тушунчаси, макроиқтисодий роли, тузиш тамойиллари. Иқтисодий ҳудуд. Резидент. Икки бор ёзув. Кредит. Дебет. Операциялар баҳоси. Ташқи савдо баланси. Жорий операциялар баланси. Товарлар экспорти ва импорти. Омилдан олинган даромадлар. экспортга ва импортга ўхшаш операциялар. Соф жорий трансфертлар. Жорий операциялар баланси қолдиғи ва уни макроиқтисодий тартибга солиш. Капитал харакати ва молиявий операциялар баланси. Соф хорижий инвестициялар ва кредитлар. Активларни сотиш ва сотиб олиш. Тўлов баланси таркибий қисмлари ўртасидаги алоқадорлик. Ички ва ташқи баланс. Тўлов баланси таҳлили. Тўлов баланси тақчиллиги. Тўлов балансини макроиқтисодий тартибга солиш. Марказий Банкнинг расмий валюта захиралари билан операциялари. Тўлов баланси инкирози ва ундан чиқиш. Алмашинув курсининг ўзгартирилиши.

Валюта курси

Валюта бозори. Валюта айирбошлаш зарурати. Чет эл валютасига талаб. Чет эл валютасини тақлиф этиш. Чет эл валютасига талаб ва уни тақлиф этишнинг кичик мамлакат модели. Валюта бозорида мувозанатнинг кичик мамлакат модели. Валюта курси. Тўғри, билвосита ва тескари котировка. Эгилувчан ва қайд этилган валюта курси. Валютанинг кадрсизланиши ва қимматлашиши. Девальвация ва ревальвация. Номинал валюта курси. Реал ва реал самарали валюта курслари. Харид қобилияти поритети. Номинал ва реал валюта курсларининг узоқ муддатли динамикаси. Валюта курсига таъсир этувчи омиллар: фойз ставкаларининг ўзгартирилиши, ишлаб чиқаришнинг реал ҳажмлари, инфляция, ҳукумат сиёсати, савдо баланси, жорий операциялар баланси. Мувозанатли валюта курси. Макроиқтисодий сиёсатнинг мувозанатли валюта курсига таъсири.

Очиқ иқтисодиётда макроиқтисодий сиёсат

Очиқ иқтисодиётда мувозанатли ишлаб чиқариш ҳажми. Очиқ иқтисодиётда ялпи ишлаб чиқариш ҳажми. Ички харажатлар ва савдо баланси. Соф экспорт. Ички харажатлар ва миллий ишлаб чиқариш ҳажми.Экспорт ва импортнинг миллий иқтисодиётга таъсири. Экспорт ва импорт ўртасидаги

богликлик. Соф экспорт ва мувозанатли ишлаб чиқариш ҳажми. Очик иқтисодийёт учун Кейнс хочи. Манделл-Флемингнинг очик иқтисодийёт модели. Очик иқтисодийётда пул-кредит сиёсати. Қайд қилинган валюта курси ва капиталнинг юқори мобиллиги шароитида пул-кредит ва фискал сиёсат. Фискал сиёсатнинг самаралилиги. Девальвациянинг ишлаб чиқариш ҳажмига таъсири. Капиталнинг паст мобиллиги шароитида пул-кредит ва фискал сиёсат. Эркин сузиб юрувчи валюта курси шароитида иқтисодий сиёсат.

Амалий машғулотларнинг тахминий рўйхати

1. Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ва уларни ҳисоблаш.
2. Бозор иқтисодийётнинг даврий ривожланиши. Ишсизлик.
3. Инфляция ва аксинфляция сиёсати.
4. Ялпи талаб- ялпи тақлиф модели.
5. Истеъмол, жамғариш ва инвестиция функциялари.
6. Кейнснинг товарлар ва хизматлар бозорида макроиқтисодий мувозанат модели.
7. Пул бозорида мувозанат.
8. Давлат бюджети. Солиқлар.
9. Бюджет-солиқ сиёсати.
10. Банк тизими. Пул-кредит сиёсати.
11. IS-LM модели.
12. Иқтисодий ўсишнинг умумий тавсифи ва неокейнсча моделлари.
13. Иқтисодий ўсишнинг неоклассик моделлари.
14. Халқаро савдо назарияси
15. Ташқи савдо сиёсати.
16. Тўлов баланси.
17. Валюта курси.
18. Очик иқтисодийётда макроиқтисодий сиёсат.

Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Фан бўйича лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

Курс ишини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар

“Макроиқтисодийёт” фанидан курс иши фан дастурига киритилган мавзулар бўйича, шунингдек, фанни чуқурроқ ўзлаштиришга ёрдам берувчи бошқа мавзулар бўйича тайёрланади.

Курс ишида талабанинг олиий ўқув юртида таҳсил олиши давомида тўплаган назарий ва амалий билимлари юзага чиқади, талабанинг назарий билимлар билан қуролланиш даражаси, малака ва кўникмаси илмий-ишлаб чиқариш вазифаларини ечишга қай даражада қўллай олиши орқали намоён бўлади.

Курс ишлари муваффақиятини аниқлайдиган муҳим ва масъулиятли вазифалардан бири – тадқиқот мавзусини танлашдир. Мавзуларга қўйиладиган умумий талаб–уларнинг долзарблиги, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари ва муаммолари билан боғлиқлигидир. Улар ҳозирги замон талаблари ва саноат тармоқлари ривожланиш тенденциялари истикболларидан келиб чиқиши зарур.

Курс ишини бажариш қўйидаги босқичлардан ташкил топади:

1. Курс иши мавзусини танлаш. Курс ишлари муваффақиятини аниқлайдиган муҳим ва масъулиятли вазифалардан бири – тадқиқот мавзусини танлашдир. Мавзуларга қўйиладиган умумий талаб–уларнинг долзарблиги, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари ва муаммолари билан боғлиқлигидир. Улар ҳозирги замон талаблари ва мамлакат иқтисодиётининг ривожланиш тенденциялари истикболларидан келиб чиқиши зарур.

2. Мавзуга доир библиография, меъёрий ва қонуний ҳужжатлар ҳамда йўриқномалар йиғиш.

3. Курс иши режасини тузиш.

4. Курс ишига раҳбарлик қилувчи профессор-ўқитувчи билан ишлаб чиқилган режани келишиш.

5. Курс ишини белгиланган талабларга мос равишда расмийлаштириш.

6. Курс ишини ҳимояга тайёрлаш.

Курс ишининг намунавий мавзулари

1. Макроиктисодий моделлар. Асосий макроиктисодий моделларнинг кнйсий таҳлили.

2. Миллий ҳисоблар тизимида ялпи ички маҳсулот кўрсаткичини ҳисоблаш шартлари ва усуллари

3. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси ривожланишининг макроиктисодий кўрсаткичлари таҳлили.

4. Ўзбекистон Республикасининг ЯИМ таркибидаги ўзгаришлар таҳлили.

5. Ўзбекистон Республикасида меҳнат бозорининг шаклланиши ва ишсизликнинг ўзига хос хусусиятлари.

6. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳолини иш билан таъминлаш ва янги иш ўринлари яратишдаги роли.

7. Инфляциянинг моҳияти ва келиб чиқиш сабаблари.

8. Инфляцияга қарши сиёсат.

9. Филипс эгри чизиғи. Моделнинг замонавий талқини.

10. Истеъмол ва жамғариш функциялари.

11. Рационал кутиш назарияси.

12. Инвестиция функцияси ва омиллари.

13. Ўзбекистон Республикаси инвестиция сиёсати.

14. Ялпи талаб- ялпи таклиф модели.

15. Ялпи талаб ва ялпи таклифни рағбатлантириш йўллари.

16. Кейннинг макроиктисодий мувозанат модели.

17. Пул бозорида мувозанат.

18. Солиқларнинг макроиктисодий моҳияти ва роли.

19. Ўзбекистон Республикасида солиқ сиёсатини такомиллаштириш йўллари.

20. Давлат бюджети таркиби ва уни такомиллаштириш йўллари.

21. Бюджет -солиқ сиёсати.

22. Ўзбекистон Республикаси бюджет-солиқ сиёсати.

23. Бюджет тақчиллиги.

24. Пул-кредит сиёсати.

25. Ўзбекистон Республикаси пул-кредит сиёсати.

26. Пул-кредит сиёсати ва улардан фойдаланиш амалиёти таҳлили.

27. IS-LM моделида бюджет- солиқ ва пул-кредит сиёсати.

28. Иқтисодий ўсиш омиллари ва типлари.

29. Иқтисодий ўсишнинг неокейнсча моделлари.

30. Иқтисодий ўсишнинг неоклассик моделлари.

31. Замоनावий иқтисодий ўсиш моделлари.

32. Ташқи савдо сиёсати.

33. Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо сиёсати.

34. Тўлов баланси.

35. Ўзбекистон Республикаси тўлов баланси.

36. Валюта курси.

37. Ўзбекистон Республикаси валюта сиёсати.

38. Кичик очик иқтисодиёт модели.

39. Очик иқтисодиётда бюджет-солиқ сиёсати.

40. Очик иқтисодиётда пул-кредит сиёсати.

41. Ташқи савдо таркибини такомиллаштириш ва диверсификациялаш йўллари.

Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Талаба мустақил таълимнинг асосий мақсади - ўқитувчининг раҳбарлиги ва назоратида муайян ўқув ишларини мустақил равишда бажариш учун билим ва кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш.

Талаба мустақил ишини ташкил этишда қуйидаги шакллардан фойдаланади:

- айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;

- берилган мавзулар бўйича ахборот (реферат, тақдимот) тайёрлаш;

- назарий билимларни амалиётда қўллаш;

- махсус адабиётлар бўйича фаннинг бўлим ёки мавзулари устида ишлаш;

- талабаларнинг ўқув-илмий тадқиқот ишларини бажариш билан боглик бўлган фаннинг бўлим ва мавзуларини чуқур ўрганиш;

- кейс-стадилар ва ўқув лойиҳаларини мустақил бажара олиш;

- фаол ва муаммоли ўқитиш услубидан фойдаланиладиган ўқув машғулотларини ўзлаштириш;

- илмий мақола, тезислар, турли илмий анжуманларга маъруза тайёрлаш ва ҳ.к.

Мустақил ишни ташкил этиш бўйича услубий кўрсатма ва тавсиялар, кейс-стади, вазиятли масалалар тўплами ишлаб чиқилади. Унда талабаларга асосий маъруза мавзулари бўйича амалий топшириқ, кейс-стадилар ечиш услуги ва мустақил ишлаш учун вазифалар белгиланади.

Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари

1. Макроиктисодий масалалар таҳлили ва уларнинг ижроси.
2. Кейнснинг товарлар ва хизматлар бозоридаги макроиктисодий мувозанат модели.
3. Инвестиция функцияси.
4. Рационал кутиш назарияси.
5. Ўзбекистон Республикасининг инвестиция сиёсати.
6. Давлат бюджети. Солиқлар.
7. Ўзбекистон Республикасининг бюджет-солиқ сиёсати.
8. Ўзбекистон Республикасининг пул-кредит сиёсати.
9. Иқтисодий ўсишнинг Р.Солоу модели.
10. Иқтисодий ўсишнинг замонавий неоклассик моделлари.
11. Ҳалқаро савдо назарияси.
12. Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо сиёсати.
13. Тўлов баланси.
14. Валюта курси.
15. Ўзбекистон Республикасининг валюта сиёсати.

Дастурнинг ахборот-услубий таъминоти

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий илғор интерфаол усулларида, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларининг презентация (такдимот), мултимедиа ва электро-дидактик технологиялардан фойдаланилади. Амалий машғулотларда ақлий ҳужум, кластер, блиц-сўров, гуруҳ билан ишлаш, инсерт, такдимот, кейс-стади каби усул ва техникалардан кенг фойдаланилади.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Асосий адабиётлар

1. Ахмедов Д.К., Ишмухамедов А.Э., Жумаев Қ.Х., Джумаев З.А. Макроиктисодиёт. Ўқув қўлланма. Т.: «Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг Адабиёт жамғармаси нашриёти», 2004. -240 бет.
2. Джумаев З.А. “Макроиктисодиёт” фанидан Ўқув-услубий мажмуа.- Тошкент: Иқтисодиёт.-2010 й. – 598 бет.

3. Ishmuhamedov A.E., Djumayev Z.A, Jumayev Q. X. Makroiqtisodiyot: O'quv qo'llanma. T.: O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jam'armasi nashriyoti, 2005. -192 bet.

Кўшимча адабиётлар

1. Абель Э., Бернаке Б. Макроэкономика. Учебник. 5-е изд.-СПб.:Питер, 2009-544 с.

2. Агапова Т.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика. Учебник. М.: «Дело и Сервис», 2005. -464 с.

3. Вечканов С.В., Вечканова Г.Р. Макроэкономика. Краткий курс.: учебное пособие. СПб.: Питер, 2010. -288 с.

4. Вечканов Г. Вечканова Г.Р. Макроэкономика; Учебник для вузов. СПб.: Питер, 2010.-350с.

5. Dornbush R. “Macroeconomics” - Boston. Mcgraw-Hill, 2001.,- 574 p.

6. Марыганова Е.А., Шапиро С.А. Макроэкономика. Экспресс курс.: учебное пособие. М.: КНОРУС, 2010. -302 с.

7. Гарсевич Л.С., Гребников П.И., Лусский А.И. Макроэкономика: Учебник. М.: Высшее образование», 2006. -654 с.

Интернет сайтлари

1. [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz)
2. [http://www.mineconomi.uz.](http://www.mineconomi.uz)
3. <http://www.mf.uz>
4. <http://www.stat.uz>
5. <http://www.soliq.uz>
6. <http://www.cbu.uz>
7. [http://www.wordbank.org.](http://www.wordbank.org)
8. [http://www.ebrd.org.](http://www.ebrd.org)
9. <http://www.imf.org>